



## ДАВЛАТ НАЗОРАТИНИ РАҚАМЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

*Рахимов Шахзод Махсуджанович*

*Мустақил тадқиқотчи*

**Аннотация.** Ҳозирги кунда назорат фаолиятини ислоҳ қилишнинг энг самарали ва муҳим йўналиши ёки унинг натижадорлиги бу давлат назоратининг тўлиқ рақамлаштирилиши ҳисобланади. Бунда унинг барча таркибий қисмларини қамраб олган ва назорат органлари доирасида ҳам, тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро муносабатларида ҳам қоғоз ҳужжат айланишидан воз кечиш имконини беради. Шунингдек, давлат назоратининг шаффофлигини ошириш, мажбурий талабларни тадбиркорлик фаолиятлари учун тушунарли қилиш, коррупцион рисклар даражасини пасайтиришда муҳим саналади.

Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишни фаоллаштириш, иқтисодиётнинг тармоқларини самарали ишлашини жадаллаштириш, импорт ўрнини босадиган ва юқори малакали билим талаб қиладиган тармоқларни ривожлантириш муаммоларини ҳал этишда бюджет маблағларини фаол жалб этиш ва улардан оқилона фойдаланиш устидан назоратни кучайтиришни тақозо этиши ҳеч кимга сир эмас, сабаби давлат бу соҳада чекланманган ресурсларга эгаллиги билан изоҳланади. Буларни ҳисобга олган ҳолда бошқарувнинг барча даражаларида давлат молиявий назоратининг трансформацион йўналишлари шакллантирилмоқда. Бунда назоратни ташкил этиш услуб ва шаклларини такомиллаштириш, янги йўналишларни ишлаб чиқиш ва стратегик эътиборни кучайтириш асосий масалалардан бирига айланиб бормоқда. Назорат сифатини оширишнинг муҳим шартларидан бири уни зарур, етарли ва ишончли ахборот билан таъминлашдир, ҳамда самарали ахборот-коммуникация тизимларини барпо этишдан иборатдир.

Ҳозирги кунда назорат фаолиятини ислоҳ қилишнинг энг самарали ва

муҳим йўналиши ёки унинг натижадорлиги бу давлат назоратининг тўлиқ рақамлаштирилиши ҳисобланади. Бунда унинг барча таркибий қисмларини қамраб олган ва назорат органлари доирасида ҳам, тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро муносабатларида ҳам қоғоз ҳужжат айланишидан воз кечиш имконини беради. Шунингдек, давлат назоратининг шаффофлигини ошириш, мажбурий талабларни тадбиркорлик фаолиятлари учун тушунарли қилиш, коррупцион рисклар даражасини пасайтиришда муҳим саналади. Бунда қонунчиликнинг бу борада такомиллашгани ва унда рақамлаштиришни ривожлантириш бўйича ўзгаришларнинг акс эттирилиши муҳим аҳамият касб этади. Қонунчиликда бу ҳолатларнинг акс эттирилиши, бир-бирига боғланган бир қатор ахборот тизимларини яратишни таъминлайди, улар биргаликда эса давлат назоратини ахборот билан таъминлаш муаммоларини ҳал қилиш имкониятини беради.

Назорат қилувчи органлар фаолиятига рақамли воситаларни жорий этиш қонунчиликнинг муҳим йўналиши бўлиб, бу назорат қилувчи органларга келгусида янги прогрессив назорат механизмларини жорий этиш имконини беради.

Давлат молиявий назоратини рақамлаштириш зарурати назоратнинг ўзи, шунингдек, давлат бошқаруви тизими ва умуман иқтисодиётнинг ривожланиши билан бевосита боғлиқдир, хусусан:

– назорат фаолиятига риск бошқарувига асосланган ёндашувларни жорий этиш, бу юқори даражадаги қонун бузилиши эҳтимоли бўлган объектларни аниқлаш мақсадида назорат объектлари тўғрисидаги катта ҳажмдаги маълумотларни ўрганиш ва таҳлил қилиш зарурлигини билдиради;

– назорат объектлари тўғрисидаги тезкор маълумотларнинг мавжудлиги, уни олишнинг узлуксизлиги ва ўз вақтидалиги билан эришиладиган давлат молиявий назоратининг самарадорлиги ва огоҳлантириш функциясини кучайтириш;

– давлат бошқаруви тизими, иқтисодий рақамлаштириш жамият ҳаётининг барча жабҳаларига замонавий ахборот технологияларини фаол жорий этилиши.

Бинобарин, давлат молиявий назорати органлари бундай ахборотдан фойдаланувчи сифатида ахборотни олиш, ўқиш ва таҳлил қилиш имконини берувчи тегишли технологияларга эга бўлиши муҳим. Уларга юкланган вазифа ва функцияларни амалга ошириш учун назорат органлари давлат ва маҳаллий ахборот тизимларидан фойдаланиш имкониятига эга, бу эса баъзан тарқоқ ва жуда катта бўлган ҳажмдаги маълумотларнинг тўпланишига олиб келади. Бунинг оқибатида давлат тизимда кенг тарқалган муаммолардан бири бўлган ахборотни инвентаризация қилиш, унинг сифатини текшириш ва ахборот учун ягона кириш нуктасини яратиш заруратини янада долзарб қилиб кўяди.

Кейинги муаммо, умуман давлат секторида, хусусан, давлат молиявий назорати органларида қоғоз ҳужжатларининг кўплигидир. Уларни қўлда қайта ишлаш кўп меҳнат талаб қиладиган ва баъзан эса самарасиз ҳисобланади. Бинобарин, назорат объектлари тўғрисидаги маълумотларни рақамлаштириш давлат молиявий назорати органлари фаолиятини такомиллаштиришнинг энг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Давлат молиявий назоратини рақамлаштириш ва рақамли трансформация қилиш юқоридаги ва бошқа муаммоларни ҳал қилишга қаратилгандир.

Ҳар қандай соҳада рақамлаштиришнинг асосий хусусияти маълумотларни бошқариш ва башоратли таҳлилга ўтишдир, бу эса ўз навбатида қуйидаги дастлабки омилларнинг мавжудлигини талаб қилади, жумладан:

- “Катта маълумотларни” (“big date”) сақлаш ва қайта ишлаш тизимларини;
- ягона меъерий-услубий база, тартиб ва жараёнларни унификация қилишни;

– платформа ва хизмат кўрсатиш инфратузилмасини, шу жумладан ахборот хавфсизлиги тизимларини;

– “катта маълумотлар” билан ишлайдиган ва уларни бошқара оладиган юқори малакали малакали мутахассисларни.

Назорат органи соҳаларида рақамли трансформациянинг яқуний натижалари сифатида қуйидагиларни таъкидлаб ўтиш мумкин:

– Маъсулларнинг маълумотларни қидириш ва қайта ишлаш учун меҳнат харажатларини камайтириш ва таҳлил қилиш, огоҳлантириш ва олдини олиш чораларини ишлаб чиқиш ва бошқалар учун ресурсларни бўшатиш;

– назорат ва аудит учун фойдаланиладиган маълумотлар сифатини ошириш, уларнинг тўлиқлиги ва бирлигини таъминлаш;

– ягона ахборот маконини яратиш;

– одатий қоидабузарликлар ва техник хатоларни автоматик аниқлаш.

Соҳага рақамли технологияларнинг жадаллик билан кириб бориши, жараёнларнинг рақамли трансформацияси биринчи навбатда соҳани самарали ишилаши, уни салбий ҳолатлардан ҳоли бўлиши, давлат ва бюджет маблағларини самарали ва манзилли сарфланишига хизмат қилиши билан ажралиб туради.